*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*
*Высшее благо медицины — здоровье*

# O'ZBEKISTONDA SOG`LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2006 йил 12-18 сентябрь № 37 (501) Сешанба кунлари чиқади

*Муҳаррир минбари*

## ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА

Мустақил юртда яшаш, унинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш, Ватан деб аталмиш муқаддас масканни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир юртдошимизнинг фахру ифтихорига айланиши шубҳасиз. Чунки, тарих зарварақларида битилган 15 йил — бу ўзбек халқи учун чинакамига озодлик руҳини олиб кирган ҳақиқий байрамдир.

Нима учун биз ҳар бир йилимизни ҳайрат тўла ҳаяжон билан кутамиз? Бунинг асл манбаи миллий ғурур ва ифтихорнинг юксаклигидандир, деб биламиз. Диёримизнинг бугунги ҳусну тароватини кўриб, гоҳо бу яратувчанлик қудрати қанчалар улуғвор эканлигига ишонгимиз келмайди. Қисқа вақт, қисқа давр, кечагина мустақилликнинг эркинлик нафаси уфуриб турган қувончли лаҳзаларга бугун зум ўтмай 15 йил тўлганлигини айтиб адо қилиб бўлармиди? Шундай деймизу, баъзан ўтган ҳар бир дақиқамизни сарҳисоб қилишга киришамиз. Ён-атрофимизга эътибор билан қарайдиган бўлсак, бугун биз нималарга эришдик, қандай ибратли ишларга қўл урдигу, уларнинг асосий маҳсули нималардан иборат бўлди, деган саволлар туғилади. Қарангки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ биргина тиббиётнинг ўзи изчиллик билан тараққий этди. Янгидан-янги ихтиролар, оламшумул ўзгаришлар, аҳолининг эҳтиёжи ва талабига хизмат қиладиган замонавий тиббиёт муассасалари тўғрисида бугун соатлаб гапиришнинг фурсати етди. Бу нафақат тиббиёт ҳаётида, балки шу азиз Ватанда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида юртига бўлган ҳурмат ва эҳтиром, ишонч куртакларининг юксак намунасини кўриш мумкин. Эътибор беринг, «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» ишлаб чиқилган ўша йилларда тиббиётнинг амалий аҳамияти қанчалик эди-ю, энди бу кўрсаткич бугун қай даражада ўз кучини кўрсата оляпти, деган ҳақли савол туғилади. Келинг, узоққа бормай, беш-олти йиллик фаолиятлар қиёсига назар ташлайлик. Хўш, аҳолининг эҳтиёжи ва унинг соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончи, эътиборини нималарда кўриш мумкин?

Тиббиёт тизимига янгича даволаш усуллари кириб келиб, замонавий тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойлардаги филиаллари, шунингдек, ихтисослаштирилган марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, бирламчи тиббий санитария бўғинини шакллантириш, аҳолининг уларга бўлган кундалик эҳтиёжи том маънода ислоҳотлар жараёнининг узлуксизлигини таъминлаб туради. Қувонарли томони шундаки, ҳар бир йилнинг ўзига хос ном ва дастурий режалар асосида олиб борилиши кўпгина тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида қад ростлаб, уларнинг зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига кенг йўл очмоқда.

Тиббиётнинг эртанги фаровон келажагини яратишга қодир мутахассисларимиз эса нафақат диёримизда, балки чет эл тиббиёт муассасаларида бўлиб, мазкур соҳа ривожига ва республикамиз шану шавкатининг янада обрў топишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида кўплаб тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун фойдаланишга топширилди. Фахр билан айтишимиз мумкинки, Президентимиз Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли маслаҳат-диагностика маркази ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 14- ва 8-оилавий поликлиникаларга ташриф буюриб, қўли гул бунёдкорлар томонидан қад ростлаган шифо масканлари ва уларнинг янги технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлигини кўриб, тизимдаги ишларга ўзининг ижобий муносабатини билдирди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам тиббиёт тизимида ўзига хос бунёдкорликка пойдевор ясади. Савобли ишларга қўл урган кўплаб ҳомий ташкилотлар ва саховатпеша инсонлар янги шифо масканларини қуришда, таъмирлаш ҳамда жиҳозлашда ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари учун энг қувонарлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар кун тартибига киритилган бир қатор қонунлар қаторида «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиб, ушбу қонун қабул қилингач соғлиқни сақлаш ходимлари, мамлакат жамоатчилиги шифокорларнинг касб байрамини ноябрь ойининг ҳар иккинчи якшанбасида нишонлай олишлари мумкинлигини кўрсатиб ўтдилар. Тиббиёт ходимлари касб байрамининг мазкур йилда нишонланиши, мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг бир-бирига узвий боғланганлиги билан тарих зарварақларида мангу қолади.



**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.**
**СУРАТДА:** *Қораўзак туман марказига қарашли туғруқ мажмуаси.*
*(Мазкур туғруқ мажмуаси ҳақидаги мақола билан 4-саҳифада танишасиз).*

**2006 ГОД - ГОД БЛАГОТВОРИТЕЛЬСТВА И МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

## НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ КАШКАДАРЬИНЦЕВ – ЛУЧШИЕ КАРДИОЛОГИ




***Ознакомившись с деятельностью врачей Кашкадарьинского областного кардиологического центра, убеждаюсь в том, что кардиологи центра проводят огромную работу среди врачей-специалистов другого профиля и среди жителей области по диагностике, лечению и предупреждению сердечно-сосудистых заболеваний. Высказывание Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова «Союз врачей-кардиологов и общественности - залог их успеха в работе» написано крупными буквами в приемном отделении центра и словно служит ориентиром в их работе.***

30 августа кардиологический центр посетил Министр Здравоохранения Республики Узбекстан, профессор Феруз Гафурович Назиров. Он встретился с работниками центра, поздравил их с 2700-летием города Карши и Днем независимости Республики. Ф. Назиров дал высокую оценку деятельности кардиологического центра. Вместе с хокимом Кашкадарьинской области Н. Зайниевым и начальником областного управления здравоохранения Р. Рахмоновым, главным врачом центра Г. Камиловым было намечено строительство и введение в действие хирургического отделения.

Кардиологический центр

**(Продолжение на 2-й стр.)**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73**

# НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ

## КАШКАДАРЬИНЦЕВ – ЛУЧШИЕ КАРДИОЛОГИ

создан в августе 2006 года на базе кардиологического диспансера и рассчитан на 110 мест. При первом же ознакомлении с медицинским персоналом отделений кардиологического центра приятно осознавать, что работающие здесь врачи любят и знают свое дело, знакомы с новейшей медицинской литературой по кардиологии, своевременно проходят курсы повышения квалификации, принимают активное участие в конгрессах, смпозиумах, заседаниях, проводимых в Республике.

За 5 лет прошедших после создания центра сделано многое. Для повышения уровня знаний за эти годы семь врачей прошли курсы повышения квалификации в Республиканском кардиологическом центре, три специалиста - в Республиканском институте усовершенствования квалификации врачей, а врач высшей категории Т. Курбанов побывал на учебе на Украине - в Харьковском центре кардиологии.

Четыре врача - кардиолога приняли участие в пятом конгрессе Ассоциации кардиологов стран СНГ, который состоялся в конце сентября 2005 года в городе Ташкенте. Участники этого форума, девизом которого являлся лозунг «Достижения науки - на службу охраны здоровья народа», обменялись опытом работы в области высокотехнологических методов диагностики и лечения сердечно-сосудистых заболеваний, приняли участие в разработке лечебно - профилактических программ применительно к условиям стран СНГ.

В ходе реконструкции диспансера в кардиологический центр в Год здоровья были выделены средства для укрепления материально-технической базы данного лечебного учреждения, создания условий для внедрения системы диагностики и лечения сердечно-сосудистых заболеваний с учетом международных требований. Больные, находящиеся на лечении в центре, размещены в 1-2 местных палатах, где имеется необходимое оборудование для их лечения, созданы прекрасные условия для отдыха.

Всего в диспансере трудятся 24 врача, из них 86 % имеют высшую и первую категории. Ежемесячно проводятся совещания общества кардиологов области с участием врачей лечебных учреждений районов, на которых организуется презентация новых лекарственных препаратов. Руководит работой совещаний Т. Хайдаров - заслуженный врач Узбекистана, кардиолог, заведующий отделением артериальной гипертонии. Спонсором проведения совещаний является венгерская фирма «Гедеон Рихтер А.О.» компании «Берлин Хеми»

(Окончание. Начало на 1-стр.)

В совещании, состоявшемся 24 августа текущего года, приняли участие врачи-кардиологи и терапевты диагностического центра, а также врачи сельских врачебных пунктов - всего 60 человек. На совещении выступил главный врач кардиологического центра Г. Камилов. Он рассказал о своем участии в конференции, посвященной 30-летию создания Республиканского специализированного кардиологического центра, ознакомил с материалами конференции. Также на совещании выступил Т. Хайдаров. Вот что он сказал о значении V Конгресса Ассоциации кардиологов и прошедшей конференции:

- Мне особенно запомнились слова выступившего на конгрессе почетного Президента Конгресса, академка РАН и РАМН Е. И. Чазова, который говорил «Важно общение кардиологов наших стран, наши дискуссии и обмен опытом, которые расширяют диапазон наших знаний, возможностей в диагностике и лечении. Прав был Гораций, утверждающий «Если знаешь что - нибудь лучше меня - поделись, если нет - у меня поучись». Проводимые конгрессы важны не только в расширении знаний, но и в укреплении дружеских отношений между странами мира. Мы трудимся вместе ради самого дорогого - здоровья и процветания наших народов. Мы должны довести до сведения каждого человека, что беречь сердце - значит ограждать его от отрицательных эмоций путем ведения здорового образа жизни.

В текущем году Т. Хайдаровым издана брошюра «Артериальная гипертензия», в которой даны рекомендации по диагностике и лечению этого распространенного заболевания. Материалы отпечатаны на узбекском и русском языках и розданы участникам совещания.

Брошюра представляет большую ценность для молодых, начинающих трудовую деятельность врачей, не только кардиологов, но и специалистов другого профиля. Она дает возможность распознать заболевание в начальной стадии и оказать первую помощь при лечении больных. Как указано в брошюре, при этом врачи не просто добиваются снижения артериального даления, возникающего при АГ, но также обеспечивают максимальную органопротекцию и доведят до минимума риск развития сердечно-сосудистых осложнений.

В брошюре также даны рекомендации немедикаментозной терапии: отказа от курения,ограничение употребления алкоголя, снижение массы тела, систематические занятия физкультурой и спортом, ограничение потребления поваренной соли - до 5-6 граммов в сутки,увеличение в диете фруктов и овощей, уменьшение потребления жиров.



Встретившись с больными, находящимися на лечении в областном кардиологическом центре, мне довелось услышать также теплые отзывы о работе врачей высшей категории А. Абдурахманове- заведующем отделением хронической сердечной недостоточности, а также о З. Ганиеве - заведующем реанимационным отделением. Эти врачи окончили лечебный факультет Самаркандского медицинского института и успешно трудятся в кардиологическом центре. Залогом их успеха является систематическая работа по повышению своего уровня знаний.С этой целью З. Ганиев побывал семь раз на курсах повышения квалификации в городе Ташкенте, а также в Каунасе - в центре по лечению нарушений ритма сердца, где также прошел курсы повышения квалификации в течение двух с половиной месяцев.

Врач-кардиолог первой категории с двадцатитрехлетнем стажем работы Ш. Сафарова успешно выпляет свои функциональные обязанности. Она неоднократно проходила специализацию в городе Ташкенте. К тому же она умело проводит курсы повышения квалификации с работниками среднего медицинского персонала лечебных медсестер кардиологического центра, организует встречи с опытными работниками.

Умелый и опытный, знающий врач С. Равшанов - заведующий приемным отделением, завершил работу над кандидатской диссертацией «Ультрозвуковые изменения при сердечно-сосудистых заболеваниях». В ближайшие месяцы состоится защита диссертации.

Большую помощь в работе врачей оказывают медицинские сестры. Всего в кардиологическом центре трудятся 115 медцинских сестер. Главной медицинской сестрой центра является Турсуной Хамраева. Двадцать лет - таков стаж ее работы в этой должности. Поступила она на работу в кардиологический диспансер в юном возрасте. Учитывая умения, знания, организаторские способности Т. Хамраевой она была назначена главной медицинской сестрой и по сей день работает в этой должности. Старательная,внимательная к больным и сослуживцам, она пользуется заслуженным авторитетом среди медицинского персонала кардиологического центра.

Лучшими медицинскими сестрами центра являются М. Маджидова, Г. Курбанмазарова, Дж. Расулова, Т. Сафарова, Г. Исламова, Х. Болтаева. Медсестры кардиологического центра очень дружны.

Бухгалтер кардиологического центра Дилроз Рахматова, не считаясь со своими служебными обязанностями всегда готова прийти на помощь своим сотрудникам. Также добросовестно трудится экономист Дильрабо Хужакедиева, главный бухгалтер Фахриддин Шарипов и многие другие.

60-летний больной Х. Абраев, страдающий ишемической болезнью сердца, за пять дней пребывания в кардиологическом центре значительно улучшил свое здоровье. В эти дни он готовится к выписке и высказал искренние слова благодарности врачам за спасение его жизни - низкий вам поклон, мои спасители. Благодаря вашей помощи я снова вижу яркое солнце, голубое небо и своих родных и близких. Об этом я уже не мог даже мечтать. Я живой! - сказал Х. Абраев и низко поклонился своим спасителям.

И таких примеров немало. Врачи кардиологического центра излечивают больных, продлевают их жизнь, делая счастливыми их родных и близких и получают при этом удовлетворение, выполняя любимую работу.

**Лариса БОРТКОВСКАЯ,**
**Кашкадарьинская область.**

## *Хабарлар*

### ХОЛИС НИЯТ БИЛАН

***Ҳомийлар ва шифокорлар йили Оқдарё туманида ҳам ўзига хос мазмун-моҳият касб этмоқда.***

Кейинги пайтда бу ерда ўнлаб қишлоқ врачлик пункти, поликлиника ва шифохона фойдаланишга топширилганлиги эътиборга сазовордир. Жорий йилда эса марказий шифохонанинг акушерлик ва шошилинч тез ёрдам бўлимлари янги замонавий биноларга кўчиб ўтди. Муҳими, улар сўнгги русумдаги технологиялар билан таъминланди.

### СИҲАТГОҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

***Нуробод туманидаги Нурбулоқ қўрғонида жойлашган Абу Али ибн Сино номли ва «Нурбулоқ» шифо масканларига эндиликда хорижликлар келишиб, ўз саломатликларини тиклашмоқда.***

Ер қаъридан отилиб чиқаётган мўъжизакор обиҳаёт даволанувчиларга қайта ҳаёт бағишлабгина қолмай, уларнинг соғлом меҳнат қучоғига қайтишида ўзига хос роль ўйнамоқда.

Мустақиллик байрами арафасида сиҳатгоҳларда яна бир қанча янгиликлар рўй берди. «Саломатлик-2» дастури бўйича бу ерда қўшимча бино ишга туширилди ва тиббий асбобускуналар билан таъминланди. Шунингдек, тумандаги «Янгиобод», «Кечкелдик» ва «Чўнқаймаси» қишлоқ врачлик пунктлари қарийб 15 миллион сўмлик замонавий жиҳозларга эга бўлди.

### САМАРҚАНДДА ЭКОФЕСТИВАЛЬ

***Алишер Навоий номли марказий маданият ва истироҳат боғида «Туризм, экотуризм ва барқарор тараққиёт» мавзусида экофестиваль бўлиб ўтди.***

Истиқлол байрамининг 15 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда шифокорлар ва санитария-эпидемиология станциялари ходимлари иштирок этиб, атроф-муҳит муҳофазаси, ободончилик ва саришталик тўғрисида фикр алмашдилар.

### ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

***Пастдарғом туманидаги Чархин касалхонаси учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган қўрғонда эндиликда шифо истаб бошқа жойга боришга эҳтиёж қолмади. Мазкур шифо маскани туруқхона, гинекология, ички касалликлар, болалар хасталиклари, тез ёрдам бўлимлари ва лабораториядан иборат бўлиб, улар янги тиббий аппаратлар билан таъминланди. Шунингдек, яқин орада хирургия бўлими ҳам замонавий бинога эга бўлиши режалаштирилган.

### МАЗМУНЛИ СУҲБАТ

***Самарқанддаги 1-шаҳар шифохонасининг 70 нафардан ортиқ шифокорлари аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини изчиллик билан олиб боришмоқда.***

Врач ва ҳамширалар Кимёгарлар қўрғонидаги 6 та маҳаллада кенг тушунтириш ишларини ўтказганлиги, аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ОИТС ва гиёҳвандлик мавзуларидаги мулоқотлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

## Лойиҳа ижроси амалда: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

2006 й
№ 7

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

# «Саломатлик — 2»

# «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари





## «Health — 2»

## «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

## Проекты «Здоровье — 2»

## «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»

*Чимбой тумани*

# ЭЗГУЛИКЛАР ИЖОБАТИ

***Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафарида бўлдик. У ердаги бунёдкорлик ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида шижоат билан амалга оширилаётган ишларни кўриб, қорақалпоқ халқининг ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлиги дилларимизга завқ бағишлади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида эл саломатлиги йўлида бажарилаётган ижобий ишлар яққол кўзга ташланади. Сафаримиз давомида республика тиббиёт тизимининг бирламчи бўғини ҳамда туғруқ мажмуаларида бўлиб, «Саломатлик-2», «Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари бўйича амалдаги ишларнинг гувоҳи бўлдик.***



Биз Чимбой туман марказий шифохонасига яқинлашганимизда муассасанинг яқиндагина таъмирдан чиққанлиги ва ён-атрофларининг гулзорга айлантирилганлиги баҳридилимизни очди. Кўтаринки кайфиятда бино ичкарисига кирдик. Шифохона бош шифокори Мурод Бобожонов билан учрашиб, муассаса фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик. Суҳбатимиз давомида талабчан раҳбар шифохонада хирургия, терапия, болалар, травматология, туғруқ, шошилинч тиббий ёрдам, реанимация, юқумли касалликлар, кардиология, психосоматика бўлимлари ҳамда сил ва тери-таносил касалликлари диспансерлари фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди. Шунингдек, туман ҳокимлиги, ёғмой заводи ва электр-газ тармоқлари каби ташкилотларнинг ҳомийлик ишларини эътироф этиб ўтди. Туғруқ бўлимига кирганимизда эса, у ердаги саришталик, тартиб, беморлар учун яратилган шароитлар эътиборимизни ўзига тортди. 40 ўринга мўлжалланган туғруққача ва туғруқ бўлимида даволанаётган ҳомиладор ҳамда оналик бахтига муяссар бўлган аёллар шифохонада яратилган шароит ва тиббиёт ходимларининг сифатли хизматидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Ҳар бир тиббиёт масканида авваламбор соғлом муҳит мавжуд бўлсагина, ўша ерда ишлар янада ривож топади. Ана шундай муҳит жамоада ўз ифодасини топганлиги сабаб бўлса керак, ходимларнинг кўтаринки руҳда ишлаётганликлари ҳамда ҳомиладор аёллар учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир.

Бўлимни кўздан кечирар эканмиз, иккита операцион блок, иккита интенсив палата, ҳомиладор аёллар туғиши учун қулай имкониятга эга бўлган уй шароитидаги алоҳида хона, шунингдек, тўртта туғруқ залининг моҳирлик билан таъмирланганлиги ва керакли тиббий асбоб-ускуналар ўрин олганлигини кўриб, туман ҳудудида истиқомат қилаётган ҳомиладор аёллар ҳамда уларнинг туғилажак фарзандлари учун қилинган савобли ишлар бесамар кетмаганлигига амин бўлдик.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўз касбини сидқидилдан севган,



35 йил давомида қанчадан-қанча фарзандларга доялик қилган Сапаргул Турғановани суҳбатга тортдик.

*– Бўлимимизда 10 нафар акушер-гинеколог, 15 нафар акушерка ва 14 нафар кичик тиббиёт ходими ишлайди. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, иш жараёнимиз ҳар бир мутахассисдан ўта ҳушёрликни тақозо этади. Шунинг учун биз туғруқ пайтида икки инсон учун масъул бўлиб, тезкор ҳолатда туғаётган аёл ва туғилаётган гўдакни соғ-омон сақлаб қолиш учун бор касбий тажрибамизни ишга соламиз. Шундай экан, ўтган ва жорий йилда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. 2005 йилда 1133 нафар, 2006 йилнинг ярим йилида 1103 нафар чақалоқ дунёга келди.*

*Кейинги пайтларда аёлларимиз орасида сурункали буйрак ҳамда камқонлик касалликлари долзарб муаммога айланмоқда. Ҳар йилгига қараганда камқонлик касаллиги ушбу йилда сезиларли даражада камайди. Айрим ҳолларда аёлларимиз туғиш вақтини кечиктириб келишади. Шу вақтда уларда қон босимининг ошиши ва қон кетиш ҳолатлари юз беради. Ана шундай пайтда операция жараёнлари амалга оширилади. Бўлимимизда яратилаётган имкониятлардан жуда мамнунмиз. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳурмат ва ғамхўрлик билан қараётган Президентимиздан ҳам жуда миннатдормиз. Айниқса, ойлик маошларимизнинг ошиши, тиббиёт ходимлари кунининг белгиланганлиги барчамизда касбимизга бўлган иштиёқни янада оширди.*



***Ушбу туғруқ мажмуасида амалга оширилаётган ишлар ва фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг кўтаринки кайфият билан ишлаётганини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Бош шифокор Мурод Бобожоновнинг фикрларига қараганда, ушбу бўлим «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасига кирганлиги ва тез кунларда Осиё Тараққиёт Банки томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг келиши кутилаётган экан. Бу албатта, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилган эътиборнинг муҳим омилларидан биридир.***

***Бўлим жамоасининг ниятлари ниҳоятда холис. Улар ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифалардан чекинмайдиган фидойи, қалби меҳнат оташи билан ёнган ҳамда бутун умрини тиббиётга бахшида этган инсонлардир.***

***Аввало инсон зоти ҳеч қачон касал бўлмасин. Шифокорга иши тушган тақдирда ҳам фақатгина туғруқхонага мурожаат қилсин. Чунки, у ерда эртанги келажак ворисларимиз дунёга келади. Уларнинг жарангдор овозлари эса бутун оламни тутиб, Ўзбекистон дея аталган она-Ватанинг муносиб фарзандлари бўлишсин!***

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2006 й № 7

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

«Health — 2» «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье — 2» «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»

*Қораўзак тумани*

# ОНАЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ...

**Кейинги ташрифимиз Қораўзак туман марказий шиофхонасига бўлди. Фаолиятлар билан танишиш жараёнида шифохона ҳудудида алоҳида қад ростлаган замонавий бинога кўзимиз тушди. Замон андозаларига мос равишда қурилган мазкур туғруқ бўлимига кирар эканмиз, муассасанинг етарли талаблар асосида таъмирланганлиги ва сифатли жиҳозлар ҳамда оналар ва чақалоқлар учун яратилган имкониятлар тизимда жадаллик билан олиб борилаётган амалий ишларнинг маҳсули эканлигига амин бўлдик.**



Ўттиз ўринга мўлжалланган ушбу бўлимдаги ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқлари бағрида бўлган оналарни суҳбатга жалб қилганимизда улардаги мамнунлик туйғуси фикрларимизга янада ойдинлик киритди.

Хоналарни бир-бир кўздан кечирар эканмиз, у ердаги тозалик ва озодалик инсон бахридилини очадиган тинчгина муҳит, дид билан тартибга келтирилган муолажа ҳамда бошқа хоналардаги имкониятларни кўриб, фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг шижоат билан меҳнат қилаётганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Бахтни қарангки, туғруқ залига яқинлашганимизда дунёга келган чақалоқнинг жарангдор йиғиси қалбларимизга равшанлик ёғдусини олиб кирди. Шу аснода фурсатни бой бермай она ва болани дарҳол суратга олдик.

Энг қувонарлиси, туғилган гўдакнинг шу заҳотиёқ она бағрига берилиши ва уни она сутидан баҳраманд бўлиши нақадар олий бахт эканлигига қараб ҳавасимиз келди.

Бўлим бошлиғи, ёш акушер-гинеколог Ойсулув Илёсова билан суҳбатда бўлганимизда, у бўлимда олиб борилаётган фаолиятларни завқланиб гапирган бўлса, олдинда қилиниши керак бўлган ишлар хусусида эса ўйга толиб сўз юритди.

*– Ушбу бўлимга раҳбар бўлиб тайинлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. 2003 йилда ТошДавТИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) даволаш факультетининг акушерлик ва гинекология мутахассислигини тугатдим.*

*2005 йилда Республика Акушерлик ва гинекология институтининг клиник ординатурасини ўтадим. Шу давр мобайнида тажрибали мутахассислар Нурия Туреева, Феруза Файзиева, Тамара Алиева сингари устозларимдан касб сирларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Клиник ординатурани тугатиб, ушбу бўлимга ординатор бўлиб ишга келдим. Айни кунда устозларим берган билим ва сабоқларни фаолиятим жараёнида қўлламоқдаман. Ишимдаги масъулият нақадар оғирлигини жуда яхши биламан. Аёлларимизда кечаётган экстрагенитал касалликларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш каби долзарб масалалар янада изланиб ишлашимни талаб қилмоқда. Раҳбарият томонидан 2006 йилнинг 5 июлида ушбу бўлимга бошлиқ этиб тайинландим. Аввалига бундай масъулиятли вазифани қандай бажарар эканман, дея ташвишландим. Лекин улар билдирган ишончни оқлаш учун бор билим ва куч-ғайратимни ишга солдим.*



*Дунёга келаётган соғлом чақалоқ ва оналарнинг қувончларини кўриб, шундай касбни эгаллаганимдан фахрланаман. Айрим муаммоли воқеалар содир бўлганда руҳий тушкунликка тушаман. Ана шундай пайтларда ҳамкасбларим билан ҳамкорликда маслаҳатлашиб иш тутаман.*

*Фаолият юритишимиз учун барча қулайликларни яратган, замонавий жиҳозлар билан таъминлаган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Маряш Турумбетовага миннатдорчилик билдираман.*

*Шунингдек, бўлимимизни «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасига киритилиши ҳам қувонарли ҳолдир. Чунки, тез кунларда Осиё Тараққиёт Банкидан янги технологиялар келиши кутилмоқда. Ўйлайманки, бундай ҳамкорлик оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишдек савобли ишларни амалга оширишда ўз натижасини беради.*



**СУРАТЛАРДА:** *Қораўзак туғруқхона мажмуаси фаолиятидан лавҳалар.*

*Ўқув маркази фаолияти*



# ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛИКЛАР САРИ

**Кейинги пайтларда кадрлар тайёрлаш масаласига бўлган эътибор барча соҳа мутахассисларини ўз йўналишлари бўйича тинимсиз изланиш ва янгиликлар сари интилишга ундамоқда. «Саломатлик-1 ва 2» лойиҳаси бўйича тайёрланган ва тайёрланаётган умумий амалиёт шифокорларининг меҳнат фаолиятлари бундан мустасно эмас. Лойиҳа дастури асосида республика тиббиёт муассасаларида иш олиб бораётган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамшираларини тайёрлаётган ўқув марказларининг ўқитувчилари тингловчиларга талаб даражасида таҳсил бериб келаётганликлари ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Шу жумладан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув марказидаги иш жараёни билан танишдик.**

**Феруза ЖАЛЕКЕЕВА,**
**ўқув маркази директори.**

*– Ўқув марказимизда тингловчилар ҳамда талабалар учун ҳамма шароитлар мавжуд. Машғулотларимиз назарий ва амалий тарзда олиб борилади. Шу билан бир қаторда 4-шаҳар болалар поликлиникасининг филиали марказимизда биз билан биргаликда ўн минг аҳоли ва мингта талабага тиббий хизмат кўрсатади. Компьютер ва кутубхонадан тингловчиларимиз унумли тарзда фойдаланишади. Шунингдек, ўқув жараёнидаги муляжлар ҳам тингловчи ва талабаларнинг амалий билимларини оширишда қўл келмоқда. Бундан ташқари, умумий амалиёт шифокорлари икки ҳафта мобайнида ўқув марказида назарий билим олсалар, икки ҳафта эса ўз қишлоқ врачлик пунктларида амалиётни давом эттирадилар.*

*Тингловчи ва талабаларга синовдан ўтган тажрибали мутахассислар, яъни бешта тренинг ва бешта ассистентимиз сабоқ беради. Ўқув машғулотларимиздан долзарб мавзулар ўрин олган. Дарс жараёнлари слайд ҳамда видеороликлар ёрдамида ўтказилади. Ҳар бир тингловчимиз ўн ойлик курсни ўтагач, ўқув йили охирида синов имтиҳонларини топширади. Ва ўзи фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли орасида муаммоли касалликлар бўйича лойиҳа мавзусини олиб, имтиҳон вақтида илмий ишга ўхшаш тарзда ўз изланишлари бўйича ҳимоя қилади. Тингловчилар умумий амалиёт шифокори мақомини олгач, иш жойларида кенг кўламда фаолият юритадилар. Бу албатта улардан ўз билимлари устида ишлаш ва аҳоли орасида учраб турган касалликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди. Шу боис, улар барча мутахассисликлар бўйича ишлашади. Асосий вазифамиз билимли, малакали кадрлар етиштириш экан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали раҳбарияти ва «Саломатлик» лойиҳаси томонидан яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз.*



**СУРАТЛАРДА:** *ўқув марказининг кундалик фаолияти.*

**Шу нарсага амин бўлдикки, ўқув марказида яратилган шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлиги тайёрланаётган умумий амалиёт шифокорлари учун ўзига хос муҳит яратиб, уларнинг келгусидаги ишларига пухта замин тайёрлаши ҳамда давр талаб этадиган кадр ўз касбининг фидойиси бўлсагина, халқ саломатлиги йўлидаги меҳнати ўз маҳсулини бериши шубҳасиздир.**

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2006 й № 7
«Саломатлик — 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm». Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# БИРИНЧИ ЁРДАМ: ХАВФНИНГ ОЛДИНИ ОЛМОҚ

*– Мен бу йил 67 баҳорни қарши олдим. Шу вақтга қадар бирор тиббиёт ходимининг уйимизга келиб, оила аъзоларимиз ҳолидан хабар олиб, керакли тавсиялар берганлигини эслолмайман. Биз учун 2000 йилда қишлоғимизда янги тиббиёт масканининг очилиши айни муддао бўлди. Айниқса, ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, касалликлар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, уларнинг ҳаракатлари туфайли кўплаб касалликларнинг олди олинмоқда, – дейди Қалбика Майрамова.*

**(Давоми. Боши 5-бетда).**

**Манет НЕГИЗГАРАЕВА, бемор.**

*– Қишлоғимиз аҳолиси ва уларнинг соғлиги учун ана шундай имкониятларни яратиб берган барча раҳбарларга катта раҳмат. Бахтимизга доимо омон бўлишсин.*





**СУРАТЛАРДА:** *Таза-баз қишлоқ врачлик пунктининг тиббиёт ходимлари иш жараёнида.*

***Таза-баз қишлоқ врачлик пунктида қисқа фурсат бўлган бўлсакда, катта таассуротлар олдик.***

***Кираверишда девор пештоқига ёзилган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13- ва 24-моддаларида кўрсатилган беморлар тиббий ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар диққатимизни тортди. Бу албатта, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишида ва уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.***

*Хўжайли тумани*

# ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

***Қорақалпоғистон қишлоқ врачлик пунктига қадам ранжида қилганимизда у ерда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг ўз касбига бўлган иштиёқларини кўриб, фаолиятлар жадаллик билан олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айни дамда ҳудудда истиқомат қилувчи ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтаётганликлари ва уларга тиббиёт ходимларининг бўлган муомала-маданияти ҳамда ҳомиладорлар учун яратилган имконият ва шароитларни зимдан кузатганимизда, бирламчи бўғиндаги ишлар ўз самарасини бераётганлигига ишончимиз янада ортди.***



***– Мана тўрт йилдан буён қишлоқ врачлик пунктининг биз кексалар учун катта нафи тегмоқда. Олдинлари бир неча чақирим йўл босиб, туман марказий шифохонасига мурожаат қилар эдик. Эндиликда эса қишлоқ врачлик пунктида ишлаётган тиббиёт ходимлари хонадонларга келиб, соғлигимизни назорат қилишлари, керакли маслаҳат ва тавсияларни беришлари, касалликларнинг олдини олишда қилаётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Айниқса, ҳамшираларнинг кунора келиши, оиламиз аъзолари билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказиши, қон босимини ўлчаши, керакли ёрдам кўрсатиши ҳақиқий меҳнатсевар, фидойи ва ўз касбининг моҳир устаси эканлигидан далолат беради. Айрим вақтлари тунда касаллик хуруж қилиб қолса, врачларни чақирамиз. Шифокорлар бир зумда етиб келиб, биринчи ёрдамни кўрсатишади. Биз улардан жуда миннатдормиз. Бахтимизга доимо омон бўлишсин.***

***Асқар МАМБЕТОВ, 82 ёш.***

**Муҳаббат ЕМБЕРГАНОВА, қишлоқ врачлик пункти мудираси.**

– Ҳудудда 4067 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг соғлиги учун масканимиз тиббиёт ходимлари масъулдир. Бизда 2 нафар шифокор, 10 нафар ҳамшира ва 2 нафар кичик тиббиёт ходими фаолият олиб боради. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли касалликларнинг олди олиниб, халқнинг тиббий саводхонлиги оширилмоқда. Мутахассис сифатида шу нарсани англаб етдимки, қачонки аҳоли орасида тарғибот ишлари кучайтирилсагина халқнинг ўз соғлигига бўлган эътибори ошиб, тиббиёт ходимлари меҳнатига ишончи ортар экан. Касалликларнинг барчасини бартараф этдик, деб айтолмайман. Чунки, аҳоли орасида қон босимининг ошиши, бўқоқ ва камқонлик сингари касалликлар ҳанузгача учраб турибди. Бундай касалликларни бартараф этишда маҳалла, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Жорий йилда «Саломатлик» лойиҳаси дастури асосида ўн ойлик ўқув курсида таҳсил олдим. Ўқув ва амалий жараёнда билимларимни янада ошириб, тажриба кўламларимни бойитишга эришдим. Айниқса, «Деформацияланувчи остеоартроз» (бўғим касалликлари) мавзусида олган лойиҳам асосида топширган имтиҳоним ўзимга жуда ёқди. Айни кунда аҳоли орасида шу касаллик бўйича изланиш олиб бораяпман. Бу мавзу асосида касалликнинг келиб чиқиши, уни қандай даволаш ва олдини олиш борасида кўплаб маълумотга эга бўлаяпман. Қишлоқ врачлик пунктимизда «Саломатлик-1» лойиҳаси томонидан берилган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозларнинг ўрин олиши ишларимиздаги самарадорликни оширмоқда. Шиоримиз: «Бурч ва қасамёдга содиқ қолган ҳолда, халқ саломатлиги йўлида виждонан меҳнат қилишдир».





**СУРАТЛАРДА:** *Қорақалпоғистон қишлоқ врачлик пунктининг шифокор ва ҳамширалари ўз ишлари билан машғул.*

***Биз Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги қишлоқ врачлик пунктлари ва туғруқ мажмуаларида бўлиб қайтар эканмиз, тизимда ижобий ишларнинг амалга оширилганлигини кўрдик. Бу албатта қувонарли ҳол. Кимки, эл саломатлиги йўлида ўзининг мурувватли ёрдамини кўрсатса, халқнинг дуосини олади деганларидек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг ҳамкорликда иш олиб бориши ҳам ана шундай савобли ишлардан бири деб ўйлаймиз.***

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
Директор – Расулов Нуғмон Нигматуллаевич.
700007,
г. Ташкент,
ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.
Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.

Над спецвыпуском работала: И. СОАТОВА. Фото: А. НУРАТДИНОВА.

*Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# ҲИММАТ КЎРСАТИБ

***Ватан! Бу сўз замирида олам-олам маъно мужассамлашган. Меҳр-муҳаббат, соғинч, садоқатга йўғрилган эзгулик туйғулари қалбимизда Ватан тушунчасини уйғотади. Унинг равнақи, обод ва озодлиги учун хизмат қилмоқ, Ўзбекистон деб аталмиш ҳур диёрда туғилган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг олий қадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, қадри асос қилиб олинган. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган.***



**Озода МУҲИТДИНОВА, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ҳаётнинг нақадар ўзгаришларга бой эканлигидан далолат беради. Халқимизнинг «Халқ соғлиги – эл бойлиги» деган нақлига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, меҳнат муҳофазасини таъминлашни ижтимоий шерикчилик асосида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ҳал этиб келмоқда. Ижтимоий шерикчиликни амалга оширишнинг энг таъсирчан механизми – ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи жамоа келишувлари ва шартномалари орқали амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, жамоа келишувлари ва шартномалари ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан ташқари иш берувчининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган икки томонлама жамоа келишувига 2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш юзасидан иш жойларида диспансеризация қилиб, касалликларнинг олдини олиш ва меҳнат шароитлари муҳофазасини кучайтириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ишлаётган кўп болали, ногирон боласи бор аёлларга соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли ва бепул йўлланмалар ажратиш каби тадбирлар киритилган. Ушбу тадбирларни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бажарилишининг биринчи ярим йиллик натижаларига назар ташласак, республика соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият кўрсатаётган 3324 нафар кам таъминланган оилага 25 миллион 358 минг сўмлик, 1096 нафар кўп болали оилага 11 миллион 930 минг сўмлик, уруш ва меҳнат фахрийларига 13,5 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бериш юзасидан масъулиятлари ошди. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда касаба уюшмалари томонидан ҳам иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида тезкор чора-тадбирлар кўрилиб, назорат кучайтирилди, иш ҳақи тўловлари бўйича корхоналарда мониторинг йўлга қўйилди, шунингдек, вилоят ҳокимликлари, прокуратура ҳамда банкларга ёзма равишда мурожаат қилиниб, қарздорликни тугатиш бўйича ижобий натижаларга эришилди. 2005 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш – касаба уюшмаларининг ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Меҳнат муносабатларининг деярли барча жабҳалари касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмайди. Меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, адолатли иш шароитларини яратиш, аёллар, вояга етмаганлар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши каби масалалар шулар жумласидандир.

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилиниши оқибатида 2005 йил давомида вилоятлар бўйича 42 нафар ходим (бир нафари суд орқали) касаба уюшмаларининг аралашуви билан ўз вазифаларига тикланди ва уларга мажбуран бекор юрган кунлари учун 2 миллион 91 минг сўм моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Ҳозирги босқичда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш ўринларини шаҳодатлаш масалалари касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Катта ижтимоий ўзгаришлар, воқеликлар жараёни юз бераётган мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг манфаатлари давлат сиёсати даражасида улуғланаётгани, аёлларга ҳукуматнинг эҳтироми сиёсий миқёсларга кўтарилаётгани уларнинг интилишларига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бу борада 2004 йилнинг 25 майида «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз Фармонининг қабул қилингани ҳам юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётида катта бир ҳодисага айланди, десам хато бўлмайди.

Ўзбекистон дунё олдида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган бир пайтда бу жараённинг ажралмас ва узвий қисми – хотин-қизларимизнинг сиёсий тафаккурлари, фаолликлари ва халқаро майдонга ўз сўзлари, ғоялари билан чиқишларида шу юртнинг бўйи-басти намоён бўлади. Шу боис, мамлакатимизнинг ижтимоий ва миллий ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда демократик ислоҳотларнинг муваффақиятида аёлларнинг муносиб иштирокини ошириш ва касаба уюшмаларининг ҳиссалари катта.

Республика Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг аксарияти, яъни 54,2 фоизи аёллардан иборат бўлганлиги туфайли уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш ҳамда оиладаги мавқеларини кўтариш, ҳуқуқий савияларини ошириш, жамият ҳаётини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, улар онгида миллий ва маънавий қадриятларга садоқат ҳамда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ҳам касаба уюшмаларининг ҳиссаси беқиёсдир.

Касаба уюшмалари аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар учун махсус гигиена хоналарининг ташкил этилишини, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларни ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, провизорларга пенсиясини тўлиқ тўлаш каби имтиёзлардан фойдаланишларини назорат қилиб келмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) 1507 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартиришга эришилиб (МК 228-1-моддаси), уларга 8 миллион 475 минг сўм маблағ сарфланди.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ходимлар ва талабалар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича ҳар йили соғлиқни сақлаш ходимларининг спартакиадалари, спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Тиббиёт ходимлари фақат тармоқ спартакиадаларида иштирок этиш билан чекланиб қолмасдан, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 2006 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида ўтказилган III Республика қишлоқ спартакиадасида ва шу йилнинг июнь ойида Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил қилинган аёллар спартакиадасида спортнинг барча турлари бўйича фаол иштирок этишди. Масалан, аёллар спартакиадасида иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Сапаргул Турганова ғолиб деб топилди ва Марказий кенгашнинг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний соғлом, маънавий баркамол этиб тарбиялашда касаба уюшмалари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, 2006 йилда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашлари республика олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари тасарруфидаги ётоқхоналарда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш мақсадида биттадан ётоқхонани оталиққа олдилар ва бу тадбирни ўз раёсат қарорлари билан тасдиқладилар. Мазкур қарорда 2006 йил давомида талабалар учун ётоқхоналарни жиҳозлаш, яшаш шароитини яхшилаш, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналарини янги адабиёт ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминлаш режалаштирилиб, барча ишлар имконият даражасида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг олтинчи ойида дам олиш уйлари ва санаторийларда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури тадбирларини жамоа келишуви ва шартномалари орқали бажарилишини таъминлаш мақсадида 730 нафар кам таъминланган, ногирон ва ёш оилалар дам олиши ҳамда соғломлаштирилиши учун 36 миллион 133 минг сўм маблағ сарфланди.

***Йил давомида яна кўплаб мурувватли ишларни амалга ошириш олдимизда турган асосий вазифалардан бири экан, барча куч ва имкониятларимизни ана шундай эзгулик йўлида давом эттириш ниятидамиз.***

## Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида республика тиббиёт ходимларига кўрсатган ҳомийлиги:

**** Соғлиқни сақлаш тизимида фидойилик кўрсатаётган ходимлардан 12 нафарини соғломлаштириш мақсадида Марказий кенгаш бюджети маблағи ҳисобидан уларга Ўзбекистон Республикаси тизимидаги санаторийларга бепул йўлланма ажратилди.***

**** Фарғона ва Наманган вилоятлари тармоқ кенгаши ва Марғилон тиббиёт коллежига биттадан компьютер тақдим этилди.***

**** Тошкент шаҳар П. Ф. Боровский ва Й. Охунбобоев тиббиёт коллежларига 500 минг сўмдан ёрдам берилди.***

**** Республика ногиронлар илмий марказига 2 миллионга яқин маблағ ажратилди.***

**** «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига рақамли фотоаппарат, Тошкент вилояти Зангиота тумани Навоий хўжалигидаги ҚВП га тез ёрдам бўлимига 2 миллиондан ортиқ маблағга ЭКГ, музлаткич ва бошқа зарурий тиббий асбоб-ускуналар берилди. Республика полиомиелит шифохонасига ногирон болаларни соғломлаштириш ва соғлиқларини тиклаш мақсадида 4 миллион сўмлик тиббий-спорт инвентарлари тақдим этилди.***

**** Республика Соғлиқни сақлаш касаба уюшмалари тасарруфидаги Андижон вилояти «Шифокор» болалар оромгоҳига 12 миллион, Хоразм вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Шифокор» болалар оромгоҳига 4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.***

**** Андижон вилояти «Шифокор» болалар оромгоҳига 2007 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ташкил этиш мақсадида компьютер хонаси учун тўртта компьютер, тиббий хона учун бир дона музлаткич ажратилди.***

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллик байрами ва Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида М. Улуғбек туман марказий диагностика-поликлиникасига битта компьютер, Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонасига эса бир миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали, ногирон, ижтимоий ночор соғлиқни сақлаш ходимлари ва касаба уюшма фаолларига бир миллионга яқин моддий ёрдам берилди.***

***Республика миқёсида тиббиёт ходимлари ва аёллар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловларда ҳам касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо совғалар ажратилмоқда.***

## Дил изҳори



# ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида республика тиббиёт тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, кўплаб тиббиёт муассасалари бунёд этилиб, янги технология ва малакали кадрлар билан таъминланиб, халқ саломатлиги йўлида эзгу ишлар қилинмоқда. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) ҳам шулар қаторига киради. РШТЁИМнинг ташкил этилиши, турли соҳа мутахассисларини бир жойга жамлади. Бу эса беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилади. Натижада, соғайиши ойлаб, йиллаб чўзилиб кетадиган беморларни қисқа вақт ичида даволаб, меҳнат жабҳалари ва оила аъзолари бағрига соғ-саломат қайтишига эришилмоқда. Бу биринчи навбатда бемор ва унинг оила аъзоларига олам-олам шодлик улашса, иккинчидан мамлакатимиз бюджетидан ортиқча сарф-харажатлар қилинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда мазкур шифо масканида фаолият олиб бораётган бош директор А. Ҳожибоев, директор Ю. Маликов етакчилигида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қўшма ва асоратланган шикастлар бўлими мутахассисларининг меҳнат фаолиятини алоҳида тилга олиш жоиз. Чунки, тиббиёт фанлари номзоди Э. Валиев бошчилик қилаётган ушбу жамоа бўлимга куннинг қайси вақтида бўлишидан қатъи назар, мурожаат этиб келган беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиб, замонавий усулларда хирургик операция ва даво муолажаларини моҳирлик билан амалга оширмоқда. Улар қўшма шикаст олган, яъни бош мия, юз-жағ, таянч ҳаракати тизими шикасти, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси жароҳатлари бўлган беморларга бир вақтнинг ўзида бошқа мутахассислар бригадаси ҳамкорлигида хирургик операцияларини ўтказмоқдалар.

Биз ушбу тиббиёт муассасасида бўлган чоғимизда беморлар билан суҳбатлашиб, уларнинг шифокорларга бўлган ишончи ва ҳурматининг гувоҳи бўлдик:

***Бемор Умида Тошмуҳамедова: «Автоҳалокат туфайли оғир аҳволда травматология бўлимига келган эдим. Айни пайтда соғлигим тикланиб, оилам бағридаман. Мен Э. Валиев бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар, яъни С. Бекчанов, В. Пак, И. Маҳкамов, А. Тилаков, А. Холматов ва Ф. Миржалилов сингари ўз касбининг фидойилари бўлган инсонлардан миннатдорман. Уларга ва шу бўлимнинг барча ходимларига тани-соғлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаб, машаққатли ва шарафли ишларида омад ёр бўлишини Яратгандан сўраб қоламан».***

Бу ерда меҳнат қилаётган шифокорлар билан суҳбатда бўлар эканмиз, жамоа ходимлари ўз олдига қўйган вазифасини бекаму кўст уддалаётганлигини, яъни беморларни замонавий усуллар билан даволаб, катта ютуқларга эришаётганлигини кўрдик. Албатта буларнинг барчаси мустақиллигимиз мевасидир. Биз ҳам ўз навбатида мазкур муассасада ва республикамиз миқёсида халқ саломатлиги йўлида фаолият олиб бораётган барча тиббиётчиларни истиқлолимизнинг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, келгуси ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Шавкат ҚАРШИЕВ.**

## Советы врача

### КАК БОРОТЬСЯ С ПАРОДОНТИТОМ?

«У вас пародонтит» - эти слова еще совсем недавно звучали как приговор. Заболевание, из-за которого кровоточат десны, расшатываются и выпадают внешне здоровые зубы, воникает боль при пережевывании пищи, меняется прикус и мучает неприятный запах изо рта, до недавнего времени считалось неизлечимым. Сегодня же современные технологии в руках квалифицированных специалистов позволяют обезвредить опасного врага.

### КАКИМ ЖЕ ОБРАЗОМ ЭТО ДОСТИГАЕТСЯ?

Пародонтическое лечение любой степени сложности начинается с выявления и устранения факторов риска. Огромную роль здесь играет своевременная и точная диагностика: панорамное рентгенологическое исследование, определение степени поражения кости, изучение качественного и количественного состава микроорганизмов, вызывающих болезнь.В зависимости от стадии заболевания, результатов анализов и общего состояния организма назначается местное и общее лечение. То есть в лечении пародонтита, в зависимости от того, насколько запущена болезнь, используются разные методики.

На самых ранних стадиях поверхностного воспаления десны - гингивита и пародонтита легкой степени - достаточно сделать профессиональную чистку наддесневых зубных отложений, вызывающих воспаление, и промыть еще неглубокие десневые карманы сильнодействующими лекарственными средствами. Это сразу же дает положительный результат - уходит воспаление, а вместе с ним и кровоточивость десен, уменьшаются патологические карманы.

Но к сожалению, чаще мы имеем дело с пародонтитом средней степени тяжести, когда уже сильно кровоточат десны, появляется подвижность зубов, неприятный запах изо рта. Здесь очень хорошие результаты дает кюретаж десневых карманов - своевременный нехирургический способ чистки поддесневых зубных отложений : под местной анестезией удаляются инфицированные ткани патологического кармана и полируется поверхность корня зубы. После этого десна снова «прилипает» к его гладкой поверхности.

Если вы не имеет желания прибегать к данным лечебным методикам, лучше всего берегите зубы смолоду. Постоянное наблюдение у стоматолога обязательно поможет вам сохранить ослепительную улыбку на протяжении всей жизни.

## ЗАВТРАК ДЛЯ ЧЕМПИОНОВ

Суматошное утро подсаживает нас на «быструю» еду. К тому же совсем скоро начнутся школьные будни. А правильное питание школьника конечно же отражается на его упеваемости. И тогда начинаешь думать, как правильно организовать рацион питания. В супермаркете ломаешь голову - купить обычную овсянку или моментальную? Мюсли или подушечки? Хлопья или колечки? Можно ли совместить экономию времени с пользой для здоровья?

Зерно - действительно универсальная еда: углеводы, белки, жиры, витамины, минералы содержаться в оптимальном соотношении. Кроме того, в каждой тарелке каши - до 4 г клетчатки, которой нам вечно не хватает. Чемпионы по содержанию клетчатки - гречка, овес и ячмень.

Каши помогают поддерживать здоровье и нормальный вес. Но только в том случае, если зерно цельное.

Покупая «скоростные» каши в пакетаках, надо отдавать себе отчет, что при всех своих плюсах они имеют существенные минусы. В процессе обработки зерно теряются самые ценные составляющие: зародыш (его удаляют как раз из-за высокого содержания растительных жиров) и отруби (кладезь минералов, но с ним зерно дольше варится). Чтобы хоть как-то компенсировать потери, зародыши можно отдельно покупать в аптеке и вместе с отрубями добавлять в готовые каши.

После очистки зерно пропаривают, высушивают, режут и плющат - получаются хлопья. Потом их можно обжарить, смешать с добавками, витаминами и микроэлементами, расфосавать и отправить в магазины.

Мюсли придумали практичные швейцарцы. На 80% это смесь злаков: овса, ячменя, пшеничных и ржаных хлопьев. Остальные 20% - сушеные фрукты и ягоды, орехи и семечки, мед и шоколад.

Мюсли считаются очень здоровой пищей, входят в состав многих диет. Обычно их едят с молоком или соком, иногда кефиром, но при желании можно жевать и сухими. Калорий в них достаточно - около 350 ккал, в основном за счет добавок: сахара, меда, шоколада. Похудеть на них вряд ли удасться, поэтому читайте этикетки: выбирайте те, что содержат только хлопья, орехи и сухофрукты.

Гранола - мюсли, из обжаренных или запеченных с маслом и сахаром (медом) злаков. Они вкусны, приятно хрустят, но колорий содержат еще больше, чем обычные мюсли.

Быстрые каши готовятся от 3 до 8 минут, но их главное преимущество не в скорости (обычные рис и гречка варятся 12-15 минут - ненамного дольше), а в простоте: клади пакетик в кипящую воду, засекай время и занимайся своими делами. Увы, в таких кашах значительно меньше клетчатки и витаминов. Кроме того, производители часто не скупятся на усилители вкуса, ароматизаторы, подсластители, эмульгаторы, которые вовсе не вписываются в концепцию здорового питания.

Моментальные каши варить вообще не нужно: залил кипятком, выждал минуту - и готово. Удобно есть на работе и брать с собой в поездки. Однако от настоящих каш они отличаются, как растворимый кофе от молотого: много сахара, много искусственных добавок и минимум пользы.

Колечки и подушечки готовятся так же, как мгновенные каши: в них минимум клетчатки и витаминов, максимум жиров, подсластителей, красителей и ароматизаторов. Такая еда никак не может называться полноценной, даже если вы зальете ее молоком или соком.

Если покупаете «быструю» снедь, следите, чтобы в нее были добавлены витамины и отруби. Изучайте этикетки, обращайте внимание состав и калорийность. И не ведитесь на броские надписи «цельнозерновой продукт»: быстрая каша им по определению быть не может!

**Матералы взяты из СМИ.**

## Янгилик

# МУНОСИБ ТУҲФА

***Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Қўқон шаҳрида замон талаблари даражасида бунёд этилган шошилинч тиббий ёрдам маркази фойдаланишга топширилди.***

Марказнинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш. Нурматов сўзга чиқиб, шаҳарликлар ва яқин атрофдаги туманлар аҳолисига хизмат кўрсатадиган мазкур марказ диагностика, шошилинч терапия, нейрохирургия, реанимация, бўлалар ва хирургия бўлимларини ўз ичига олганлигини алоҳида гапириб ўтди. Шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 500 миллион сўмликдан ортиқ тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлигини ҳам таъкидлади.

Ушбу шифо маскани бунёдкорлар томонидан халқимиз учун мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исломова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Миржалол Миралиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббанаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060. Тошкент шаҳри. Охунбобоев кўчаси. 30-уй. 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йилнинг 17 ноябрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 211.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 4440 нусха. Буюртма Г-1151.
Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5